

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети
География кафедраси

И.К.Назаров

ГЕОГРАФИК БАШОРАТ ВА АМАЛИЁТ

Бухоро - 2010 йил

Ер юзида табиий, иқтисодий – ижтимоий жараёнлар, ўзгаришлар узлуксиз жадаллашиб бораётган ҳозирги даврда, географик башоратнинг зарур ва муҳимлиги тобора яққол намоён бўлмоқда.

Ушбу илмий рисолада география фани учун муаммоли ва энг долзарб вазифалардан бири бўлган географик башоратнинг мазмун – моҳия -ти ва бу борада амалга оширилган илмий изланишлар ҳамда уларнинг илмий – амалий аҳамияти мухтасар тарзда ёритилган.

Мазкур рисола географ – бакалавр талабалар, магистр ва ўқитувчилар ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Х.Р.Тошов

География фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

Р. Юнусов

Агрономия ва тупроқшунослик кафедраси мудири,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

И.Ш.Аллаёров

География кафедраси катта ўқитувчиси

Илмий рисола, БухДУ илмий – техник кенгашнинг № ,
29 март 2010 йил, қарори билан чоп этишга тавсия қилинган.

Кириш

Узоқ йиллар география фанининг вакили ва жонкуяри сифатида географик тадқиқот, географик таълим билан шуғулланиб “География – ҳудудлар фалсафаси” деган хулосага келдим (2006^a). Фалсафа барча фанларнинг “отаси” сифатида бутун борлиқни (материяни) билишнинг назарий асосларини ўрганади. Унинг “ўзаги” бўлган диалектика эса, борлиқни ташкил қилган қисмларнинг ҳаракати, ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиши қонуниятлари билан шуғулланади. Қадимги ва навқирон география эса турли қўламдаги (маҳаллий, минтақавий, дунёвий) ҳудудлар ва улардаги борлиқ, содир бўлаётган ўзгаришлар ва фарқланишларни мажмуали (комплекс) ўрганадиган фандир.

Машҳур географ Н.Н.Баранский тили билан айтганда, география ҳар бир ҳудудни геологиясидан тортиб маънавияти, сиёсатигача бўлган муаммолар билан шуғулланади. Шундай экан, география фани – фалсафа ичидаги фалсафадир. Образли айтганда “география – ҳудудлар менежери – бошқарувчиси” дир. Ҳар бир ҳудуд эса ўз табиати, иқтисодий – ижтимоий салоҳияти ҳамда маънавиятга тегишли хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Хуллас, география фани ҳар бир ҳудуднинг ўтмиши, ҳозирги кунини бир бутун тарзда ўрганадиган ва унинг яқин – узоқ ривожланиш келажагини башорат қиладиган фандир. Географик башорат эса ўта мураккаб, у изланувчидан фалсафий мантиқ ва синтезни талаб қиладиган илмий йўналишдир.

Рисолада географик башоратнинг мазмун – моҳияти, бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг амалий аҳамияти имкон даражасида ёритилган. Албатта, иш баъзи камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Сиз – китобхонлар томонидан билдирилган ўринли танбеҳ ва истаклар албатта келгуси ишларда миннадорчилик билан инобатга олинади.

1. Географик башорат ва унинг мазмун – моҳияти

Диалектик қонунига асосан бутун борлиқ – табиат, жамият доимий ҳаракатда ва ривожланишда. Шу боис, инсон келажакда содир бўладиган ўзгаришларни билишга қизиқиб келади, ҳаётда рўй бераётган ҳодиса ва жараёнларни синчковлик билан кузатади, натижада маълум хулосалар чиқаради.

Башорат – прогноз, юнонча “prognosis” сўзидан олинган бўлиб, олдиндан кўриш, олдиндан айтиш деган маънони билдиради

Башоратлаш ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига тегишли. Шу сабабдан башорат тушунчаси барча фанларга тааллуқли.

Илмий башоратлар ичида географик башорат ҳам ўзига хос маъно ва мазмунга эга. Маълумки, география мажмуали (комплекс) фан бўлиб, у йигирмадан ортиқ тармоқларга эга. Бошқача қилиб айтганда, уни кенг ва тор (асл) маънода талқин қилиш тўғри бўлади. Кенг маънода, у барча тармоқ фанларини ўз ичига олса, тор маънода эса комплекс мазмундаги географик фанлардан иборат. Географик башорат кенг маънодаги тармоқ фанларни, яъни геоморфологик, иқлимий, гидрологик, биогеографик, аҳоли географияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт, социал географик каби соҳаларни қамраб олади. Тор маънодаги географик башорат эса комплекс мазмундаги фанларни, яъни палеогеография, умумий ер билими, ландшафтшунослик, материк ва океанлар табиий географияси, ўлкашунослик, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, ҳудудий – маъмурий, ҳудудий – сиёсий ва иқтисодий – ижтимоий ҳудудий геокомплексларга тегишлидир.

Айрим олимлар ана шу комплекс (асл) маънодаги географик башоратларни моҳиятан ҳақиқий географик башоратлардир деб таъкидлайдилар (Жекулин, 1989, 155 б.). Ш.С.Зокиров “.... ҳақиқий географик башорат келажакнинг географик тизимлари ҳақида тасаввур бериши керак” деб, ҳисоблайди (1998, 53 б.). Тармоқ географик башоратлар ичида иқлимий, гидрологик башоратлар мазмун – моҳиятига кўра география фанига яқинлиги билан ажралиб туради. Чунки мазкур соҳада изланишлар олиб бораётган

мутахассисларнинг аксарияти расмий мутахассислигига (хужжатларига) кўра географлардир. Кўп ҳолларда географик башоратлашда тармоқ соҳадаги башоратларга эътибор етакчилик қилади. Масалан, иқтисодчи – географлар Ю.Н.Баженов, А.И.Чистобаевлар аҳоли сонини, хом-ашё манбалари, ёқилғи ва энергияни, иқтисодий ривожланишни, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жараёнларни ва ниҳоят экологик соҳадаги башоратларни устивор вазифалар деб, қайд қиладилар (1987, 50 б.). Географик башоратларга оид тадқиқотлар тармоқ – географик ёки комплекс географик соҳаларда олиб борилишидан қатъий назар, мураккаблиklar туғдиради. Зеро, бу соҳада тадқиқотлар изланувчидан тажриба, юқори малака ва юксак фалсафийталаб қилади. Таниқли географ олим В.С. Жекулин, таъбири билан айтганда, “Башорат – географик тадқиқотлар гулдастасидир” (1989, 5 бет).

Ҳақиқатда эса географик башоратга оид асарларнинг аксарияти тажрибали, етук олимлар томонидан яратилганига гувоҳ бўламиз (1 – илова). Географик башорат ҳудудлар ва инсоният ривожланишини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Илмий – техника тараққиёти, аҳоли сонининг ўсиб бориши ва ижтимоий талабнинг жадал суръатлар билан ортиб бораётганлиги боис ҳозирги даврда, башорат истиқбол режаларни тўғри белгилаш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимида ўтиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистон Республикаси учун географик башорат стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалари йўналишини белгилашда ва шакллантиришда ўзига хос ўрин тутди. Бу эса илмий башоратнинг пишиқлиги ва аниқлигига бевосита боғлиқдир.

Қайд қилиш жоизки, илмий башоратлар мутлоқ аниқликка даво қилмайди. У келажакда маълум муддатлардан сўнг содир бўладиган ҳолат, ўзгаришларни тахминий аниқлашга ёрдам беради. Башоратлаш ижтимоий талаб билан боғлиқ бўлган жараён бўлиб, у изланишлар йўналишидир.

Географик башоратнинг асосий мақсади айни ҳудуд (табиий, маъмурий, миллий) ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни кўпайтириш ва маҳофаза қилиш, бошқача қилиб айтганда, жамиятни ҳудудларда самарали ташкил қилишни кўзда тутди.

2. Башоратлаш тарихидан

Инсоният пайдо бўлганидан бошлаб, яъни эртанги кун келажакка қизиқиб келади. Содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг турлича такрорланишини синчковлик билан кузатганлар. Оддийгина халқ мақоллари, об – ҳавони олдиндан айтиб бериш борасида хулоса ва тахминларни ҳам башоратга тегишли дейиш мумкин. Халқ орасида фолбинлар (негбин, башоратгўйлар) пайдо бўлган. Ғайритабиий истеъдодга эга бўлган бундай кишиларни одамлар эъзозлаган, уларга мурувватлар кўрсатилган. Уларнинг аксарияти халқ ишончига кирган. “Фолбинга ишонма, фолбинсиз ҳам юрма”, деган ҳикматомуз сўзлар бежиз айтилмаган. Халқлар орасидан буюк кароматгўй авлиёлар пайдо бўлган, уларнинг башоратлари аксарият ҳолларда тўғри чиққан ва улар кишиларни, ҳатто айрим давлат раҳбарларини қизиқтирган. Масалан, буюк поляк башоратчиси Вольф Миссинг И.В. Сталин қабулида бўлиб, иккинчи жаҳон урушининг қандай тугаши хусусида башорат қилади ва у умрининг охиригача собиқ Иттифоқ ҳудудида яшайди.

Буюк башоратчилардан бири, илми нужум – Астралогия (юн. astrum – юлдуз ва logos – фан) фани вакили, франциялик авлиё Мишель Нострада – мусдир (1504 - 1566 й). Унинг 1555 йилда ёзилган “Юз йилликлар” кито – бида умумий ер билими, минтақавий ва социал географияга тегишли қатор башоратлар мавжуд. М. Нострадамусни астрогография фанининг асосчиси деса бўлади. Яъни у Ер юзасидаги минтақаларни алоҳида юлдузлар буржлари билан боғлиқлигини асослайди (2 – илова).

Башоратлашнинг илмий асослари XX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган. Бу фан футурология деб аталган. Футурология (лот. futurum – келажак ва logos – таълимот) – кенг маънода: инсоният келажаги, дунёвий

муаммолар ҳақидаги тасаввурлар мажмуи; тор маънода ижтимоий жараёнлар ҳақида илмий – техника тараққиётига оид соҳалардаги жараён- ларни изчилликда ўрганиш ва келажакни башорат қилиш ҳамда илмий техника, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларни режалаштириш ва истиқболларни белгилаш имкониятини яратадиган фан соҳасидир. Бу термин 1943 йилда немис социологи О.Флехтхейм томонидан киритилган. Футурология “ келажак фалсафаси” деб тилга олина бошлади. XX асрнинг охирларига келиб футурологлар асосан икки йўналишга ажралди: бири “экологик пессимизм”, иккинчиси – илмий – техникавий оптимизм. (Фалса- фа. Қомусий луғат, Т. 2004. 437 б). 1960 – йилларда башоратлаш кўпгина давлатларда режалаштириш ишларига жорий этила бошлаган. Географик башоратлаш асослари илк бор, Москва давлат университети олимлари Ю.Г.Саушкин (1967, 1968), Т.В.Звонкова, М.А.Глазовская, К.К.Марков, Ю.Г.Симоновлар томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур университетнинг V курс талабаларига “Рациональное природопользование и географический прогноз” номли махсус курс ўқитилган. 1987 йилда Т.В.Звонкова томонидан илк бор “Географическое прогнозирование” номли ўқув қўлланмаси чоп этилган. Т.В.Звонкова “ Географик башорат мажмуали экологик муаммодир, унда башоратлашнинг назарияси, усуллари ва амалиёти, табиий муҳит ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш, режалаштириш, лойиҳаларни экспертиза – тафтиш қилиш билан узвий боғлиқдир”, деб қайд қилади (1990). Ўзбекистонда географик башорат билан шуғулланган тўнғич олимлардан бири А.Рафиқовдир (1939-2003). Унинг илк бор, ўзбек тилида “Географик прогнозлаштириш асослари” ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Миллий университети нашриётида чоп этирилди (2003й). Олим, “Прогноз”, “Прогностика” атамалари ўзбек тилида “Башорат” ва “Башоратлаштириш” маъносини билдирса – да, бу сўзлар тўла маънода “Прогноз” ва “Прогнозлаштириш”нинг муқобил варианты бўла олмайди. Кишиларнинг исми ҳам Башорат ва бошқа маъноларни англатиши туфайли

улардан ҳақиқий атама сифатида фойдаланиш чегараланган, деб ёзади (Рафиқов, 2003, 5 б.).

Лекин ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1 – жилд , 2006, 3 – жилд , 2007) “Башорат” ва “Прогноз” сўзлари ўзбек тилининг заҳирасига (луғат фондида) киритилган. Луғатда башорат сўзининг учта маъноси изоҳланган. Шулардан бири башорат – олдиндан кўриш, олдиндан айтиб бераолиш, олдиндан айтилган фикр, тахмин, мўлжал ёки башорат қилмоқ – бирор воқеа – ҳодисанинг натижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ”, - деган талқинга эга. Бизнингча ушбу талқин асосида иш тутиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув ўзбек тили ва миллий қадриятларимизга мос тушади ва уни тушуниш осон бўлади. Географик башоратга оид изланишлар тарихи Т.В.Звонкова (1987), Ш.С.Зокиров (1998), В.П.Максаковский (2004), В.Т.Богучарсков (2004) лар томонидан таҳлил қилинган.

3. Географик башорат муддатлари. Бу борада фикрларда фарқланишлар бор. Жумладан, А.Г.Исаченко ва Б.А.Поповлар географик башорат муддатларини қуйидагича табақалайдилар:

Ўта қисқа муддатли – 1 йилгача, қисқа муддатли 3 – 5 йилгача, ўрта муддатли 10 – 15 йилгача, узоқ муддатли – бир неча ўн йилликларгача, ўта узоқ муддатли – минг йилликларгача бағишланган башоратлардир (Жекулин, 1989, 155 б.).


Географик тармоқ фанлар соҳасидаги башоратлар ҳам турлича муддатларни қамраб олиши мумкин. Айниқса, об-ҳаво ҳақидаги башоратлар одатда қисқа муддатли 1 – 3 кунлик, баъзида эса бир ойлик қисман эса мавсумий муддатларни қамраб олади. Географик башоратлар одатда турли кўламдаги табиий, сиёсий – маъмурий, маъмурий ҳудудларга тегишли бўлади. Башоратларнинг одатда ўрта ва узоқ муддатларни қамраб олиши эътиборга лойиқ.

4. Башоратлаш борасидаги тўсиқлар

Мамлакатимизда ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик қонунлар асосида фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида географик башоратга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Айниқса, келгуси табиий, иқтисодий – ижтимоий, умумгеографик ўзгаришларни башоратлаш; инсониятни табиатга таъсир кучининг жойлардаги хусусиятларини башоратлаш; тармоқ – географик соҳасидаги башоратларни такомиллаштириш; башоратлашда илмий жамоатчилик фикрларига таяниш каби вазифалар турибди.

Лекин, ҳанузгача географик башоратлаш бўйича дунёвий, минтақавий, маҳаллий ҳудудларга бағишланган тўлақонли, мукаммал географик башоратлар жуда кам. Бунинг асосий сабаби башоратлаш борасида қатор тўсиқларнинг мавжудлигидир. Бу тўсиқларни В.С.Преображенский ва Н.И.Коронкевич (1987) тўртта гуруҳга ажратади (1 – расм).

Буларга қўшимча сифатида мамлакат раҳбарлари ва ҳукуматлари томонидан қабул қилинган янги дастур қарор, қонунлар географик башоратлашда ўзига хос қийинчиликлар туғдиради, яъни унинг аниқлик даражасини мураккаблаштиради. Масалан, Ўзбекистонда 2009 йил – “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган давлат дастури қишлоқларимиз қиёфаси, иқтисодий – ижтимоий нуфузини тубдан яхшиланишига асос бўлмоқда.



1-расм

В.С.Преображенский , Н. И.Коронкевич (1987) бўйича тузилди.

5. Географик башоратлаш методологияси ва усуллари

Барча фанларда бўлгани каби географик башорат учун ҳам методологик асос биринчи навбатда фалсафий – диалектик қонунлар ҳисобланади. Диалектик қонунларни икки гуруҳга ажратадилар.

Биринчиси, борлиқнинг доимо ҳаракатда, уларни ташкил қилган қисмларининг модда, энергия туфайли ўзаро боғлиқлиги ва ниҳоят бир бутунлиги. **Иккинчиси,** эса борлиқни, аниқроғи географик тизимларнинг узлуксиз ривожланишда эканлиги.

Бундан ташқари, умумгеографик ва минтақавий қонуниятлар (географик қобиқнинг бир бутунлиги, зоналлик, азоналлик, секторлик, даврийлик, интразоналлик, рўпаралилик – рўпарасизлик, ҳавза назарияси қонунияти каби-лар) ҳам башоратлашда назарий асос бўла олади.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган қонуниятлар ҳам географик башоратлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Юқорида қайд қилинган қонуниятлар жуда катта ҳаракатлантирувчи кучга эга. Булар ривожланишнинг мазмун –моҳиятини очиқ бериш учун илмий – назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Географик башорат усуллари. Усул – борлиқни билиш воситаси. Географик башорат соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган олима Т.В.Звонкованинг маълумотларига кўра (1987) башоратлашнинг 150 дан ортиқ усуллари мавжуд. Булар орасидан амалиётда 5 – 10 таси кенгроқ қўлланилади. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.

1. Мантиқий усул. Бунда мантиқий фикрлаш қудрати асосида бўлғуси жараён, ўзгаришлар башорат қилинади. Бу индуктив, дедуктив усулларни ўз ичига олади. Индуктив усулда жараён ва ҳодисаларнинг бир – бирига боғла-ниш сабаблари ўрганилади ва хусусийликдан умумийликка томон хулосаланади. Дедуктив усулда эса, бирбутунликдан хусусийликка томон ўзгаришларга эътибор берилади. Мазкур усул башоратлаш стратегиясини белгилаб беради. Индуктив – дедуктив усуллар бир – бири билан узвий боғлиқ. Ҳар қандай дедуктив хулоса, индуктивдан сўнг ниҳоясига етади. Индуктив

усул география фани тарихида етакчи бўлиб келган бўлса, ҳозирги даврда математик –мантиқ усули эса дедуктив усулнинг ривожига катта йўл очиб берди.

2. Тарихий- генетик усул. Бунда жараён ва ҳодисаларнинг эволюцион ривожланиши йўналишини ҳисобга олиб, бўлғуси ўзгаришларни башорат қилиш. Яъни ўтмишни (ретроспектив) ҳисобга олиб келажакни (перспектив) башоратлаш. “Тарих ўтмишни ойнаси, келажакни устозидир” деган тамойилга амал қилиш. “Ер юзасининг ўтмиши географлар учун унинг ҳозирги манзарасини билиш учун калитдир”, деган эди академик К.К.Марков. Олимнинг бу хулосасига қўшимча қилиб ...ўтмиш, нафақат ҳозирги, балки келажак манзарасини билиш учун ҳам калитдир, дейиш мумкин. Бу усул кўп ҳолларда мантикий ва экстраполяция усуллари билан уйғунлашиб кетади.

3. Ўхшатиш усули (аналогия). Маълум жойда узоқ йиллар давомида рўй берган ҳодиса ва жараёнлар асосида худди шунга ўхшаш бўлган бошқа жойларда рўй бериши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнларни башоратлаш демакдир, яъни уларнинг ўхшашлигидан фойдаланиб, қиёс қилиб иккинчи жойда содир бўладиган ўзгаришларни башоратлашдир. Бундай башоратлар тўлалигича ўзини оқламасида, содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларнинг умумий йўналишини ва булғуси оқибатларни англашга имкон беради.

4.Статистик усул (статистик – математик. Ушбу усул экстраполяция усулига ўхшаб кетсада ўзига хосдир. Бунда рақамларнинг аниқлик даражаси асосий ўрин тутди. Бундай рақамлар “ўжар”, “қайсар” бўлади, уларни инкор этиб бўлмайди. Рақамлар асосида тузилган турли хил жадвал, диаграммаларни “тилга” киритиб бўлғуси ўзгаришлар ҳақида эътиборга лойиқ хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, қазиб олинаётган минерал бойликнинг захираси аниқ бўлса, бир йилда қазиб олинаётган кўрсаткичлар орқали бойликнинг тугаш муддатларини билиш қийин эмас.

5.Иммитацион моделлаштириш усули ҳам башоратлашда қўл келади. Бу мураккаб жараёнларни машинада, чизмаларда, қурилмаларда намоён

этилиши. Яъни аслига ўхшатиб ясалган нарса, қурилмалардан фойдаланиб бўлғуси жараён ва ҳодисаларни башорат қилиш мумкин.

6. Экстраполяция усули. Экстраполяция (лот. ekstra – тез, polio –тўғри - лайман) – бирор ҳодисанинг бир қисмини кузатиш натижасида олинган хулосани шу ҳодисанинг бошқа қисмига, келгусига тадбиқ этишни англатади. Бу усулда ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб келажак башорат қилинади. Буни баъзан генетик – тарихий усул ҳам дейилади. Айни даврга тегишли статистик маълумотлар келажакка томон йилма – йил сурилиб боради. Демографияда буни “Демографик суриш усули” воситасида амалга оширилади. Экстраполяция ички имкониятларга асосланади. Унда ташқи омиллар ҳисобга олинмайди. Боис, айрим тадқиқотчилар бу усулни “кўр” усул деб атайдилар.

7. Эксперт усули. Эксперт лотинча сўздан олинган бўлиб, “тажрибали”, “юқори малакали мутахассис” маъносига эга. Одатда экспертлар йирик муаммоларни ўрганиш, башоратлаш учун жалб қилинади. Масалан, фан ва техника тараққиёти, бозор муносабатларига ўтиш минтақавий иқтисодий, сиёсий – ижтимоий, урбанизация жараёнлари кабиларни башоратлаш учун юқори малакали мутахассислар жалб қилинади. Улар бир – бирини таниши шарт эмас. Бунда ҳар бир мутахассис ўз тажриба ва малакасидан келиб чиқиб муаммонинг келажакига оид фикрларини эркин холис баён қилади. Эксперт усулини қўллашда иккита ёндошув мавжуд.

Биринчиси, индивидуал – шахсий, яъни “эксперт – ҳисобот” тарзида бўлиб, кун тартибидаги муаммо бўйича эксперт ўзининг эркин холисона фикрини билдиради. **Иккинчиси**, жамоа усули, бунга 10 тадан 200 тагача экспертлар жалб қилинади. Бу “Дельфи” усули сифатида 1964 – 1965 йилларда АҚШ да ишлаб чиқилган бўлиб, у бир неча босқичдан иборат. Ҳар бир эксперт кун тартибига қўйилган муаммо бўйича анкета саволларига алоҳида ёзма жавоб қайтарадилар. Тўрт босқичдан иборат бўлган бу танлов жараёни охирида энг юқори рейтинг балларига эга бўлган фикр ва хулосалар (вариантлар) қабул қилинади. Мазкур эксперт башоратларнинг аниқлик даражаси 2/3 қисми ташкил қилади (Звонкова, 1987, 37 бет).

Хуллас, башорат усулларини такомиллаштириш, дунёвий, минтақавий ва маҳаллий муаммоларни башоратлашнинг амалий аҳамиятини чуқур англаш, унинг аниқлик даражасини ошириш каби вазифалар давр талаби ҳисобланади.

7. Дунёвий муаммолар ва уларни башоратлаш

Бугунги кунда инсоният олдида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар турибди. Рус олимлари С.Б.Лавров, Ю.Н.Гладков қуйидагиларни энг муҳим деб ҳисоблайдилар: тинчликни сақлаш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, энергетика, хом – ашё , дунё океани, маданият ва одоб инқирози, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқаришдаги ҳалокатлар, жиноятчилик ва терроризм, демократияни тақчиллиги, урбанизация, миллатлараро муносабатлар, демография, озиқ – овқат, қолоқлик ва ниҳоят экологик муаммолар.

Мазкур муаммолар фанлараро мазмунга эга бўлса – да, география фанининг вазифаларига яқин туради. Комплекс мазмунга эга бўлган бу фаннинг ўрганиш объектларидан бири географик қобикдир. Бундан ташқари озон муаммоси, иқлим ўзгариши, чўлланиш каби дунёвий муаммолар борки, улар бевосита география фанига тааллуқлидир.

Инсониятнинг дунёвий муаммоларига эътибор ва уни илмий ўрганиш ҳамда башорат қилишни илк бор АҚШ олимлари бошлаб берган деса тўғри бўлади. Бу борада 1946 йилда етакчи ишбилармонлар, Стэнфорд университети олимлари билан биргаликда Стэнфорд тадқиқот институтини ташкил қиладилар. 1966 йилда Вашингтон шаҳрида “Дунёнинг келажагини ўрганувчи жамиятга асос солинган (“Общество по изучению будущего мира”). Хуллас XX асрнинг 60 – йилларида АҚШда инсониятнинг дунёвий муаммоларини ўрганидиган 15 та йирик институт ва ташкилотлар юзага келган.

Шу йўсиндаги ташкилотлардан бири 1968 йили италиялик социолог, йирик жамоатчи ФИАТ концернининг бошқарувчиси Аурелио Печчеи ташаббуси билан ташкил қилинган Рим клубидир. Мазкур клубнинг Рим шаҳрида асос солиниши бежиз эмас. Чунки, Рим шаҳри инсониятнинг энг қадимги маданий – илмий марказларидан биридир.

Шаҳарга милоддан аввалги 754 – 753 йилларда асос солинган. Илмий, иқтисодий ва ижтимоий муҳитнинг тақозоси билан 1303 йилда Рим университети ташкил қилинган. Ушбу халқаро нуфузга эга бўлган олий даргоҳда фаннинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади ва ҳозирги даврда 180 минг талаба таҳсил олади (ЎМЭ, 7 жилд, 2004, 331б.). Рим клуби халқаро нодавлат ташкилот бўлиб, унга турли мамлакатларнинг етук олимлари, менежер, иқтисодчи, демографлар, жамоат арбоблари, йирик компания раҳбарлари аъзо сифатида қабул қилинган, уларнинг сони 100 киши атрофида. М.Горбачев унинг фахрий аъзоси, синергетика таълимотининг асосчиси И.Пригонец эса ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. Клубнинг штати, расмий бюджети йўқ. Унга дунёнинг йирик компаниялари ҳомийлик қилади. (“Фиат”, “Фольксваген” ва бошқалар). Клуб ишини 12 аъзодан иборат, унинг президенти раҳбарлигидаги ижроия қўмита бошқаради (Президенти Аурелио Печчеи (1968 – 1984); А.Кинг (1984 – 1991); Р.Диес – Хохлайтнер (1991 й. дан). Клубнинг расмий идораси айни кунда Париж шаҳрида. Ҳозирги даврда 30 дан ортиқ мамлакатларда Рим клуби ишига кўмак берувчи миллий уюшмалар (ассоциация) мавжуд (Россияда бу ташкилотнинг президенти (1989) Д.В. Гвишиани).

Клубнинг асосий мақсади инсоният олдида юзага келган ва келиши мумкин бўлган дунёвий (асосан иқтисодий – ижтимоий, сиёсий, экологик) муаммоларни ўрганиш, муҳокама қилиш, давлатлар раҳбарлари билан мулоқот ўтказиш, дунё жамоатчилиқ фикрини ушбу муаммоларга қаратиш ва уни шу йўсиндаги тадқиқотларни рағбатлантириш. Клубнинг асосий “маҳсулоти” олимлар, тадқиқотчилар томонидан Рим клуби номига тайёрланган маърузаларидир. Ҳозирги кунда Рим клуби буюртмаси билан 30 дан ортиқ маърузалар тайёрланган ва кенг жамоатчилиқ муҳокамасига ҳавола этилган.

Мазкур маърузалар ичида Д. Медоуз ва унинг ҳамкорлари (АҚШ) томонидан 1972 йилда тайёрланган “Ўсиш чегаралари” (“Пределы роста”) асари халқаро илмий жамоатчилиқ орасида эътиборга эга бўлганлардан биридир. Алармистик (инглизча – alarm, франц.- alarme – ваҳима, безовталик)

мазмунига эга бўлган бу асарда муаллифлар дунё бўйича демографик, иқтисодий ривожланишни секинлаштириш ва ниҳоят турғун ўсишни (“нулевой рост”) таклиф қиладилар. Унга асос қилиб, сайёрамизда аҳолининг тез суратлар билан кўпайиб бораётганлиги (ўша даврда йиллик ўсиш 1,9 % атрофида эди), озиқ – овқат ва саноат ишлаб чиқариш суръатини ўта тезлиги, минерал ресурсларнинг камайиб бораётганлиги, атроф – муҳитни эса тобора ифлосланаётганлиги асос қилиб олинган эди. Асарда антропоген юкнинг табиатга таъсир кучининг ўсиш чегаралари таҳлил қилинган. Бу сайёрамизнинг экологик ҳолатини башоратлашга бағишланган тўнғич глобал модель эди. Лекин, мазкур тадқиқотнинг бир ёқламалиги, минтақавий фарқланишлар ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган ижтимоий кучларнинг инобатга олинмаганлиги кейинчалик танқид остига олинди. Ушбу ғояга қарши борганларнинг сони кўп бўлган бўлса – да, у ўз мақсадига эришди, яъни дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозонди, келажак ҳақида ўйлашга чорлади. Кейинчалик бу борада янги – янги тадқиқотлар пайдо бўлди (Максаковский, 2008, 38 – 42 бетлар).

А.Д. Медоуз раҳбарлигидаги тадқиқотларнинг навбатдаги натижаси 20 йилдан сўнг 1992 йилда “Ўсишнинг янги чегаралари” («Новые границы роста») модели таклиф қилинади. Бунда тадқиқотчилар аҳоли, иқтисод ва атроф-муҳитни ягона тизим эканлигини асослайдилар. Уларнинг фикрича дунёвий ривожланишнинг формуласи қуйидагича: $I = P \cdot A \cdot T$. Бунда I – атроф – муҳитга бериладиган юк, P - аҳоли, A - фаровонлик, T -технология.

Бу ерда фаровонлик жон бошига истеъмолнинг миқдорини билдирса, технология эса маҳсулот бирлиги кўламида келтирилган зарарни ифодалайди.

Дунё ҳамжамиятининг хоҳлаган ҳудудий қисми экологик вазиятни яхшилашга ўз улушини қўшиши мумкин. Муаллифлар бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ мустақил равишда ҳозирги кунда оммавий тус олган барқарор ривожланиш ғоясини илгири сурадилар. Бундан ташқари, қуйидаги тадқиқотчилар томонидан тайёрланган маърузалардан америкалик Дж.Форрестер (1971), М.Мессарович ва Э.Пестел (1974), Э.Ласло (1978)

голландиялик Ян. Тинберген (1975), А.Печчеи (1977), каби олимларнинг изланишлари эътиборга лойиқ.

Рим клуби дастлаб жамият ва табиат ўртасидаги қарама – қаршиликларга эътиборни қаратган бўлса, кейинчалик социал муаммолар унинг асосий эътиборига айланди.

Америкали географ – олим С. Коэн дунёнинг сиёсий картасида рўй берадиган ўзгаришларни башоратлайди. Унинг фикрича дунёни сиёсий маъмурий бўлиниши бундан кейин ҳам давом этади. 20-30 йилдан сўнг мустақил давлатларнинг сони тахминан 300 тага етади. Улар 1900 йилда 57 та, 1938 йилда 71 та, 1959 йилда 92 та, 2000 йилда 193 та бўлган. С.Коэн бўйича Европада Фландрия, Валлония, Бретань, Уэльс, Шотландия, Каталония, Бакслар давлати, Осиёда – Минданао ороли, Панжоб, Тибет, Африкада-Катанга, Шимолий Америкада – Француз Канадаси каби мустақил давлатлар пайдо бўлади. Австралия, Афғонистон, ЖАР, Судан, Бразилия, Мексика, қисман эса Россия, Хитой парчаланиши мумкин. Дунё сиёсий – маъмурий бўлинишга асосий сабаб миллий уйғониш, сиёсий ўз-ўзини бошқаришга, миллийликка интилишдир. Асарда “Бой – Шимол ” ва “Камбағал – Жануб”, ҳамда “Европа – Америка” ва ислом дунёлари ўртасидаги муносабатлар ҳам тилга олинган (Максаковский, 2008, 41 б.) .

Бундан ташқари Россия олимлари томонидан глобал экологик муаммоларни башоратлашга бағишланган айрим тадқиқотлар ўзига хос. (Мильков, 1990, Горшков, 1986) Ю.П.Селиверстов содир бўлаётган дунёвий экологик муаммоларга оптимистик руҳда ёндашади. Унинг фикрича биосфера инсоният томонидан табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир оқибатларини бартараф қилиш қобилитини ҳали йўқотгани йўқ. Атмосфера таркибини карбонат ангидриди ва зарарли газлар билан тўлдирилишида инсониятнинг улуши табиий жараёнларга нисбатан жуда кам. Улар сайёрамиз ва унинг таркибий қисмлари учун хавфли эмас. Глобал экологик инқироз йўқ, у Россия Федерацияси миқёсида ҳам намоён эмас, фақат айрим минтакаларда қисман хавф мавжуд. Инсониятнинг ривожланиши жараёнида табиат билан уйғун

яшаш тамойилига эришмоқ лозим, деб хулоса қилади олим (Селиверстов, 1995).

Академик – математик Н.Н.Моисеев (1920 – 1999) раҳбарлигида Россия Фанлар Академияси ҳузуридаги ҳисоблаш марказида биосферадаги ўзгаришларни ўрганиш борасида “Гея” номидаги математик моделлар тизими маркази ташкил қилинган эди. Тадқиқотлар натижасида олим, биосферадаги экологик мувозанатни бузилганлиги ва инсониятнинг табиатга нисбатан ҳозирги муносабати глобал инқирознинг рўй бериши аниқ эканлигини қайд қилади. Н.Н.Моисеев, инсоннинг табиатга қарамлиги келажакда камаймайди, аксинча ортади, инсон табиат билан уйғун яшамоғи зарур деб таъкидлайди. Олим “Экологик императив” ғоясини илгари суради, яъни табиат қонунларининг устуворлиги, инсон эса уларга ўз ҳаракатларини мослашга мажбур эканлигини қайд қилади. Туғилишни меъёрлаштириш, аҳоли сонини ҳамда табиатга кўрсатилган антропоген юк (босим) ҳажмини 10 марта камайтиришни қайд қилади (Моисеев, 1998).

Хуллас инсониятнинг келажаги ҳақида ҳозирги кунда сон – саноксиз башоратлар мавжуд, лекин уларнинг қайси бири тўлиқ ўз исботини топади ёки йўқ, буни вақт кўрсатади. Бундан қатъий назар, футурологлар орасида географлар фаол ва етакчи бўлиши зарур, чунки география фанининг нодир имконияти муаммоларга мажмуали ёндашуви, яъни интеграцион ва синтез қудрати бунга имкон беради.

8.Минтақавий географик башоратлар

Бунга табиий жиҳатдан ўзига хос, бир бутунликка эга бўлган, йирик ҳудудлар алоҳида давлатлар доирасидаги географик башоратлар киради. Қайд қилиш жоизки, бу борада тўлақонли умумгеографик мазмунга эга бўлган башоратлар жуда кам. Лекин география фанига тегишли тармоқ фан соҳалари бўйича эътиборга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилган ва уларга эътибор ортиб бормоқда.

Ўрта Осиё иқлимининг билимдони М.И.Будиконинг (1988) башоратларига кўра Туркистонда иқлимнинг табиий ўзгариши сабабли намгарчилик ортади.

XXI асрнинг ўрталарига келиб ёғинлар миқдори қарийб 2 баробар кўпаяди ва натижада Туркистон чўллари намгарчилик бўйича жанубий Украинага ўхшаб кетади. Иқлимдаги бундай ўзгаришлар табиат зоналарининг чегараларига ҳам таъсир этмай қолмайди (Зокиров, 1998, 56 бет). Лекин қайд қилиш жоизки нуфузли олим М.И. Будиконинг бу башоратлари ҳозирги даврда ўз исботини тўлиғича топмаётир.

Маълумки кейинги йилларда Ер шари ва айрим минтақаларда иқлимнинг ўзгариб бораётганлиги унинг салбий оқибатларини намоён бўлаётганлиги ҳақидаги ташвишли ахборотлар кучайиб кетди. Иқлимнинг ўзгариши табиий ва антропоген омиллар таъсирида рўй беради.

Табиий омилларга космик, яъни Коинот, Қуёш ва Ер муносабатлари, ички геофизик (вулқонлар, ер қимирлаш), ташқи геофизик (Ернинг шарсимон – лиги ва унинг таркиби (атмосфера таркиби, ҳаво оқимлари, рельеф, океан ва қуруқликнинг тақсимланиши), биотик (органик дунё ва унинг тақсимланиши) кабилар киради.

Антропоген омилларга эса аҳолининг сони ва унинг иқтисодий ва ижтимоий фаолияти туфайли иқлимий шароитга кўрсатиладиган таъсири киради. Дунё бўйича иқлимий ўзгаришларга қарши ҳаракатлар XX асрнинг 70 - йилларидан бошланган эди. Мазкур соҳага тегишли расмий ҳужжат Стокгольм Декларацияси давлатлар иштирокида 1972 йил қабул қилинди. 1979 йилда биринчи Жаҳон Иқлим конференцияси бўлиб ўтди. 1980 йилларда бир неча бор, ҳукуматлараро анжуманлар ўтказилди. 1988 йилда эса иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (МГЭИК) таъсис этилди. 1992 йилда Рио-де Жанейро саммитида БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенцияси қабул қилинди (РКИК ООН). 1997 йилда Киото Протоколи имзоланди. 1992 йилда Рио саммитида БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий Конвенция – си қабул қилинди. Мазкур халқаро ҳужжатлар 1994 йилда кучга кирди. 2004 йилда Конвенциянинг 10 йиллиги нишонланди. Ҳозир асосий эътибор атмосферада иссиқхона ҳосил қилувчи карбонат ангидриди (CO_2), метан (CH_4), азот оксиди (N_2O), перфторуглерод (HFCs) ва олтингугурт гексафторидига

(SF₆) қаратилган. Ўзбекистон Республикаси эса БМТ ташаббуси билан ўртага қўйилган бу борадаги дастурларни бажарилиши тарафдори.

Иқлимда иссиқ давр, юқори ҳароратли кунлар кўпаймоқда, совуқ ва қорли кунлар сони қисқармоқда. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши бўйича 4 вариантли модель бўйича олиб борилган изланишларга кўра карбонат ангидридининг ҳавода 1% га кўпайиб бориши туфайли 20 – 30 йилда 1961 – 1990 йилларга нисбатан ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 0,8 - 3,4⁰, 1,0 - 2,5⁰ ортади. Энг юқори кўрсаткич эса республикамизнинг шимоли–ғарбий қисмида кузатилади, тропик ва мўътадил иқлимий минтақаларнинг чегараси 150 – 200 км шимолга, тоғларда эса иқлимий минтақалар 150 – 200 м юқорига сурилади. Ёғинлар миқдори қисман кўпайсада, ҳароратни кўтарилиши туфайли буғланиш миқдори ортади ва совуксиз давр 8 – 15 кунга кўпаяди. Бундан ташқари қиш мавсуми барқарор бўлмаган “вегетацион қиш” тартибига ўтади ва чўл яйловзорларининг ҳосилдорлиги ҳам чорва маҳсулдорлиги ҳам пасаяди. Аҳоли ўртасида юрак, нафас олиш, асаб, буйрак, ошқозон -ичак билан боғлиқ касалликлар кўпаяди. Дарёларнинг серсувлиги СССР варианты бўйича Амударёнинг суви 1/3, Сирдарёники эса 1/5 ҳажмда камаяди, яъни тегишли равишда йиллик оқим 78,5 км³ дан 47,1 км³ ва 37,9 км³ дан 27,3 км³ гача камаяди. Дарёларнинг тўйинишида қорнинг улуши камайиб, ёмғирнинг улуши эса ортади, ва унинг ёғиш муддати бир ойга, яъни баҳордан йилнинг илиқ томонига сурилади. Ёмғирлар билан боғлиқ тошқинлар (сел) ҳамда дарёлар сувининг лойқалиги ортади (Ососкова ва бошқа. 2005, 50 б.).

Келгусида иқлимни муҳофаза қилиш ва унинг салбий таъсирини юмшатиш учун суғорма ва ичимлик сувни тежаш сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш қишлоқ хўжалигида сувни – тежамкор технологиясини жорий этиш, қурғоқчил шароитга мос маданий экинларни экиш, бузилган ерлар ҳамда камбағаллашиб қолган яйловзорларни фитомелиорация қилиш (бойитиш), ерли аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби амалий тадбирларни амалга ошириш зарур.

9. Маҳаллий кўламдаги географик башоратлар

Бунга кичик ҳудудларни, яъни табиий географик район, округ ёки маъмурий – ҳудудий туман, вилоят доирасидаги башоратларни киритиш мумкин. Қайд қилиш жоизки, бундай ҳудудлар катта географик тизимларнинг ажралмас бўлагидир, яъни катта тизим доирасида ривожланаётган кичик тизимдир. Шу боис мазкур ҳудудларни географик башоратлашда асосан учта тамойилга таяниш лозим. Биринчидан, катта “ташқи” тизимдаги ривожланишнинг умумий йўналиши (“тренд”) ва шиддатини яхши билиш зарур. Иккинчидан, башорат қилинаётган ҳудудни ташкил қилган “Табиат-аҳоли – хўжалик” учбирлигининг ўзига хос хусусият ва имкониятларни мукамал билиш шарт. Учинчидан, ушбу ҳудудга нисбатан давлат сиёсатининг моҳияти ва йўналиши нималардан иборат? Юқорида қайд қилинган асосларни мукамал билган ҳолда таҳлил қилгандагина географик башорат асосли бўлади. Баъзан давлатлар томонидан қабул қилинган 3 – 5 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган қарорлар башоратлар учун жуда муҳим ўрин тутди. Ёки айтиш мумкин, ҳудудга нисбатан олиб борилаётган давлат сиёсати ҳам башоратлаш учун жуда зарур. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси учун Орол денгизини кутқариш, ҳудуддаги экологик вазиятни ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган давлат сиёсати башоратлашга “ойдинлик” киритади. Юқорида қайд қилинган асосларни мукамал билган ҳолда таҳлил қилишгандагина географик башоратнинг аниқлик даражаси ортади.

Ҳозирги даврда вилоят ҳокимиятлари томонидан иқтисодий – ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш ва ривожлантириш бўйича яқин келажакни кўзлаб тармоқлар бўйича сон – саноксиз дастурлар ишлаб чиқилган. Албатта улар вилоят статистика бўлими маълумотларига асосланган. Лекин уларнинг илмий жиҳатдан асослилиги, пишиқлиги ва кенг оммага етказилиши талаб даражасида эмас. Баъзи бир қарорларнинг айтиш мумкин, шу ҳудуд учун номутаносиблиги йиллар ўтиб равшан бўлиб қолади ва натижада қилинган катта харажатлар самара бермайди.

Масалан, 2004 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан бошқа вилоятлар каби Бухоро вилояти ҳудудида ҳам саноатбоб ёғоч ўрмонзорларни ўстириш қарор қилинган эди. Жуда кўп арзигули тадбирлар амалга оширилган бўлса – да, лекин кўзланган натижаларга эришиб бўлмади. Чунки бу қарорда чўл иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича инобатга олинмаган.

Иккинчи бир мисол, вилоят ҳокимлиги томонидан Дамхўжа – Бухоро сув қувурининг иккинчи навбатини қуриб ишга тушириш ўз вақтида режалаштирилган эди. (Унинг биринчи навбати 1993 йилда ишга туширилган). Лекин Бухоро вилояти аҳолиси учун жуда муҳим бўлган бу тадбир етарлича илмий асосга эга бўлмаганлиги туфайли бажарилмади. Қайд қилиш жоизки, кўпгина олимлар, томонидан ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан маҳаллий ҳудудларга тегишли тармоқ соҳалар бўйича башоратомуз дастурлар ишлаб чиқилган. Лекин уларга маҳаллий раҳбарлар томонидан эътибор бериш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш талаб даражасида эмас. Келажакда бундай камчиликларни бартараф қилиш лозим.

Географик башорат ва амалиёт

Фан – тараққиёт пойдевори. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат – аксиома. Илмнинг асосий мақсади кундалик амалиётга, аниқроғи халқларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилишдир. Бунинг учун хоҳлаган кўламдаги ҳудудни самарали ташкил қилиш, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш зарур. Шу боис географик башорат иқтисодий – ижтимоий ҳаёт келажagini тўғри ташкил қилиш учун жуда муҳим. Илмий изланишлар эса келажакни англаш ва уни башорат қилиш имкониятини яратади. Башорат келажакни тўғри режалаштириш ва уни амалга ошириш йўллари очиқ беради. Қайд қилиш жоизки, географик башоратлар ичида катта кўламдаги тизимларнинг бир бўлаги бўлган кичик геотизимлар келажagini башоратлаш устивор аҳамиятга эга. Яъни дунёвий муаммоларнинг ҳал қилишнинг калити кичик ҳудудларда мужассам. Чунки табиатни ифлослайдиган, уни мувозанатини бузадиган жараёнлар, манбалар кичик ҳудудларда содир бўлади. Ҳар бир кичик ҳудуд самарали ташкил қилинса,

антропоген омил билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммоларни бартараф қилиш имконияти туғилади. “Кичкина калит катта эшикни очади”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Демак, антропоген омил туфайли содир бўлган дунёвий муаммолар калитини “осмондан” эмас, ердан қидириш керак. (Назаров, 2006^б; Назаров, Тошов, 2007)

Географик башорат пировард натижада ҳудудларни оқилона ташкил қилиш, яъни иқтисодий, ижтимоий ривожланиш келажаги учун хизмат қилиши керак. Масалан, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатимизда узок муддатли истиқболга мўлжалланган, стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда (И.Каримов, 2010 йил, 29 январь). Мазкур лойиҳалар йўналишини белгилашда ва уларни шакллантиришда географик башоратлар илмий назарий асос вазифасини ўтмоғи лозим. Географик башоратлар қанчалик пишиқ ва асосли бўлса келажак учун тузилган режалар ҳам тўғри ва самарали бўлади. Ана шундагина географик башорат ўз мақсадига эришади.

Илмий изланиш бу келажакни кўрабилиш, бу эса, иқтисодий – ижтимоий ўзгаришларнинг йўналиши ва шиддатини белгилаб беради. Географик башорат ҳудудий иқтисодий – ижтимоий тараққиётни режалаштиришнинг назарий асосидир. У келажакда география фани учун энг устивор вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Хулас, географик башорат география фанини илмий – амалий нуфузини оширишнинг истиқболли йўлларида биридир.

Таянч тушунчалар

Башорат – прогноз, прогнозлаштириш, Астрология, астрогография, футурология, диалектика, географик башорат, башорат муддатлари, башорат қилинадиган ҳудудлар кўлами, башоратлаш борасидаги умумий тўсиқлар, умумгеографик тўсиқлар, ахборот билан боғлиқ тўсиқлар, ташкилий – бошқарув тўсиқлари, башоратлаш методологияси, башорат усуллари, мантикий усул, дедуктив – индуктив усуллар, тарихий – генетик усул, экстраполяция усули, эксперт (Дельфи) усули, ўхшатиш усули, иммитацион усул, статистик усул, Рим клуби, дунёвий (глобал), минтақавий, миллий, маҳаллий ҳудудлар

келажagini башоратлаш, географик башоратлаш ва амалиёт, башоратлаш ва режалаштириш.

Назорат учун саволлар

1. Башорат (прогноз) ва географик башоратнинг мазмун – моҳияти .
2. Футурология нима?
3. Географик башорат методологияси деганда нимани тушунасиз?
4. Географик башорат усуллари.
5. Башоратлаш йўлидаги тўсиқлар.
6. Рим клуби ва унинг мақсад вазифалари.
7. Дунёвий иқтисодий – ижтимоий, сиёсий, экологик муаммоларни башоратлаш.
8. Минтақавий ва (миллий) ҳудудий муаммоларни башоратлаш.
9. Маҳаллий (локал) муаммолар ва уларни башоратлашнинг тамойиллари ва аҳамияти.
10. Географик башоратлашнинг амалий аҳамияти.

Иловалар

1 – илова

Мишель Нострадамус (1504 – 1566)

Илми нужум (Астрология) фанининг буюк вакилларида бири , францияли авлиё Мишель Нострадамусдир. У онасидан касалманд туғилган, юлдузларга қизиқиб, кузатиб юрган, кейинчалик Мишелда тиббиётга ҳам қизиқиш пайдо бўлади ва натижада у Европадаги машҳур табиблар қаторидан ўрин олади.

Кейинчалик Мишель Нострадамус Солон шаҳрига кўчиб ўтади. 1555 йилда “ Юз йилликлар” китобини ёзади. Китобда дунёнинг келажаги ҳақидаги башоратларини битади. Унинг айрим подшоҳларни ўлими ва бўлажак подшоҳлар, автомобиль, телевизор, II – жаҳон уруши, одамзоднинг урушқоқлиги, атом бомбаси ҳақидаги башоратлари ўз исботини топди деса

тўғри бўлади. Кароматгўйнинг, одамларнинг борган сари эринчоқ бўлиб қолишлари, уларнинг ишини “темир махлуқлар” бажаришини, одамзод “темир” қушларда фазони ўзлаштириши ҳақидаги башоратлари эътиборга лойиқ. Нострадамус башарият ҳаётининг 3797 йилгача юз берадиган бўлажак воқеалари ҳақида башоратлар қилган. У шахсий ҳаётидан рози бўлмаган, атрофдаги ҳасадгўй одамлар – каламушларнинг бижғиб юришига” нафрат билан қараган ва 62 ёшида касалликдан вафот этган.

Машҳур башоратчи таваллудининг 500 йиллиги 2004 йилда жаҳон миқёсида нишонланди (“Даракчи”, 4.03.2004).

Нострадамуснинг оламшумул башоратидан намуналар:

- Одамзод келажакда ичимлик суви муаммоси билан тўқнаш келади, бунга одамларнинг ўзлари сабабчи бўлади.
- 1986 йилда коинотдан комета Ерга еттита янги касалликни олиб келади.
- Атом бомбасини яратилиши (1945), инсонни илк бор фазога учишини (1961) башорат қилган эди.
- Ер ва коинот ўзаро боғлиқ бўлган ягона вужуддир. Ер юзасининг ҳар – бир бўлаги самовий нурлар ҳамда Қуёш тизимидаги сайёралар билан боғлиқ.

Масалан, Ўрта Шарқ, Ўрта ва Жануби – Шарқий Осиё – Чаён буржи билан боғлиқ. Ернинг ҳар бир минтақаси юлдузлар буржидаги у ёки бу бурж билан боғлиқ. Бундай боғлиқликларни Астрогеография фани ўрганади.

- 2032 йилда Буюк Британия ҳудудининг бир қисми, Голландия, Дания, Финляндия бошқа мамлакатларнинг қирғоқ олди ҳудудлари аста секинлик билан сув остида қолади.
- 2023 йилда Ер ўз айланиш доирасидан чиқиб кетиши мумкин.
- Инглиз тили 2012 йилда ўз мавқеини йўқотади, дунё маданиятининг европача тарзига барҳам берилади.
- 2003 йилда “Буюк Аёлларни ҳукмронлиги” даврига қадам қўйилади.

- Ғайриоддий имкониятлар, айниқса 1 январь, 19 февраль, 7 апрель, 30 май, 30 июль, 17 сентябрь, 5 ноябрда туғилган инсонларда аниқ намоён бўлади.
- 2170 йил улкан қурғоқчилик кутилади. Инсоният ўзга сайёраларга кўчиб ўтабошлайди.
- 2010 йилда Қора денгиз ўз тубидан юзага кўтарилиб чиқаётган сероводород туфайли ёнғин ичида қолади.
- Юксак маънавиятга эришган янги жамият эрамизнинг тўртинчи минг йиллигидагина тўлиқ шаклланади.
- Машҳур кароматгўй Нострадамус башоратларининг амалга ошиш эҳтимоллиги 95 фоизни ташкил қилади. (Нострадамус, 1997, 8 бет)
- 3797 – Охир замон бўлади.

Дунёвий муаммоларни башоратлашга бағишланган энг муҳим асарлар

2 – илова

№	Муаллифлар	Асарлар номи
1.	Веденин Ю.А. и др.	Устойчивость природных комплексов и прогнозирование В КН. «Теория и методы прогноза» Иркутск 1973.
2.	Сочава В.Б.	Прогнозирование – важнейшее направление современной географии. Докл.Ин-та географии Сибири и Дальнего Востока, №43, 1974.
3.	Сватков Н.М.	Основы планетарного географического прогноза. Москва, 1974.
4	Дьяконов К.Н.	Геотехническая система – методологическая база географического прогноза. Проблемы взаимодействия общества и природы. Москва, 1974.
5.	Давитая Ф.Ф.	Атмосфера и биосфера – прошлое, настоящее, будущее. Ленинград, 1975.
6.	Симонов Ю.Г.	Проблемы географического прогноза. В КН. Географические исследования в МГУ. Москва, 1976.
7.	Николов В.А.	Проблемы регионального ландшафтоведения. Москва, 1979.
8.	Саушкин Ю.Г.	Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. Москва, 1980
9.	Будыко М.И.	Климат в прошлом и будущем. Москва, 1980.
10.	Емельянов А.Г.	Комплексное физико – географическое прогнозирование измененной природы. Калинин, 1980.
11.	Абдулкасимов А	Антропогенная трансформация ландшафтов Средней Азии и вопросы ее прогнозирования. География и природные ресурсы, №3, 1980.
12.	Емельянов А.Г.	Теоретические основы комплексного физико – географического прогнозирования. Калинин, 1982.
13.	Герасимов И.П.	Глобальные и региональные общегеографические прогнозы в .

		КН. «Географический прогноз» Москва, 1986.
14.	Преображенский В.С.	Поиск в географии. Москва “Просвещение” 1986, 224 стр..
15.	Звонкова Т.В.	Географическое прогнозирование. Москва. «Вышая школа» 1987, 192 стр.
16	Жекулин В.С.	Введение в географию. Ленинград Изд-во, ЛГУ 1989, 272 стр.
17	Мильков Ф.Н.	Общее землеведение. Москва .1990, 335 стр.
18	Зокиров. Ш.С.	Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Тошкент.”Университет”, 1998, 68 бет.
19	Рафиқов А.А.	Географик прогнозлаштириш асослари. Тошкент “Университет”, 2003, 268 бет

3 – илова

Географик башоратга бағишланган муҳим асарлар

№	Муаллифлар	Асарлар номи
1	Тоффлер А.	“Футурошок”, 1970 (США)
2	Форрестер Д.Ж.	“Мировая динамика” (1971) Москва. Наука, 1978 (США)
3	Медоуз Д. ва бошқалар	Пределы роста”, 1972 (США)
4	Тинберген Ян и др.	“Пересмотр международного порядка”.1976 (Голландия)
5	Браун Лестер	Мир восьмидесятых годов. Москва, Прогресс, 1989. XX век: последние 10 лет Москва, Прогресс, 1992. Состояние мира. Москва, Весмир, 2000 (США)
6	Медоуз Д. ва бошқалар	За пределами роста (1994) Москва, Пангея, 1994 (США)
7	Байнхауэр Ш., Шмакке Э.	Мир в2000 году. (халқаро башоратлар йиғиндиси). Москва, Прогресс, 1973 (Германия)
8	Печчеи А.	“Впереди бездна” (Италия)
9	Фолк Р.	“Планета под угрозой”
10	Кан Г., Винер Э.	“Год 2000”

4 – илова

Башоратчи файласуф

Иоганн Вольфганг Гёте (1749 – 1832) немис файласуфи, шоири, у башоратчилик қобилиятига ҳам эга бўлган. 1775 йилнинг 7 ноябрида (26 ёш) герцог Карл Август таклифига биноан Веймарга келади. У герцогнинг махфий

маслаҳатчиси лавозимини адо этиб, маъмурий- бошқарув санъатига доир мўъжизаларни намоиш этишга эришади. Қисқа вақт ичида мукамал тартиб – интизом ўрнатиб, давлат хазинасини бойитади. Гёте 1808 йилда Наполеон билан учрашган. Гёте кўп воқеаларни олдиндан айтиб берган ва ҳеч қачон адашмаган. Гётининг табиатида беқарорлик, жиззакилик, енгилтаклик каби хусусиятлари ҳам бўлган. Шу боис атрофдагилар уни бадфеъл одам деб ҳисоблашган. У қўл урмаган касб бўлмаган Гёте оғир сил хасталиги билан оғриган. Аммо шунга қарамай у 83 йиллик умрини мутлақо соғлом одамдек яшаб ўтган. Соғлиқни мустаҳкамлаш ва табиатдаги нуқсонларни енгишда юксак иродасини, сабр – матонатни намоиш этиб, замондошларини ҳайратга солган (96 мумтоз файласуф, 2009, 338 бет).

5 -илова

Об-ҳаво ўзгаришини олдиндан айтиб беришда халқ тажрибаси

Инсонларда кузатувчанлик одати бор. Об – ҳавонинг ўзгаришига оид жуда кўп фикрлар айтилган, хулосалар қилинган. Шулардан айримларини келтирамиз.

1. Янги ой туғилиши арафасида об – ҳаво ўзгаради
2. Ой ўтов қилса об – ҳаво айланиши мумкин
3. Шафақ тилларанг – сариқ бўлса – эртасига ҳаво очик бўлади
4. Мўридан чиққан тутун тик кўтарилса –ҳаво очик бўлади, ер бағирлаб тарқалса – ҳаво айнийди
5. Шиддат билан ёққан ёмғир тезда тугайди, майин шивирлаб ёғса узоқ давом этади
6. Асаларилар учиб кетмай инида гувиллашиб турса, ҳаво айланиб, ёмғир ёғиши мумкин
7. Мушук керишиб дарвозаларни тирнаши ҳаво айланишидан дарак беради.
8. Товуқлар баландроқ жойга чиқиб, патларини тозаласа, ёмғирни кутиш мумкин
9. Қалдирғоч ер бағирлаб учса ёмғир ёғади
10. Қушлар чуғурлашиб сайраса, ҳаво яхши бўлади

11. Қарғанинг қариллаши об – ҳавонинг айниш аломатидир
12. Қишда сичқон ва қўнғизларнинг ер бетига чиқиши, ҳавонинг исишидан дарак беради
13. Бошингиз тепасида тўда – тўда чивин учиб юрса, ҳавонинг очик бўлишини кутиш керак
14. Чумчуқларнинг баҳорда гала – гала бўлиб пастлаб учиши ҳаво айнишидан дарак беради
15. Мезонда (21сентябрь – 21 октябрь) ёмғир ёғса, қиш юмшоқ келади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтириш “Халқ сўзи”, 2010, 30 январь.
2. Богучарсков В.Т. История географии. Москва-Ростов на Дону. Изд.-во «Март», 2004, 448 с.
3. Баженов Ю.Н.; Чистобоев А.И. Мир географии. От проблемы к цели. Горизонты комплексных программ. Москва. “Мысль”1987, 239 с.
4. Будыко М.И. Изменение климата. Ленинград. Гидрометеиздат. 1974,280 с.
5. Будыко М.И. Глобальная экология. Москва. «Мысль», 1977, 327 стр.
6. Будыко М.И. Климат XX века. Метеорология и гидрология, 1988 №10 стр.5-24.
7. Бестужев – Лада И.В.Прогнозирование социальных последствий научно-технической революции. Международный ежегодник. Будущее науки. Выпуск 18, Москва, 1985, с. 244-258.
8. Горшков С.П. Проблема CO₂ пересмотр идей. Изд. Всесоюз. Геогр. о- ва. 1986 Т. 119, вып 4. с. 297-305
9. Жекулин В.С. Введение в географию. Ленинград, изд – во ЛГУ, 1989, 272 с.
10. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Тошкент. «Университет», 1998, 68 б.
11. Лавров С.Б., Гладкий Ю.Н. Глобальная география. 11 класс. Москва «Дрофа», 2000, 352 с.

12. Карл Саган. Мир потеплеет. Будущее науки. (Международный сборник). Москва 1987, 203-210.с.
13. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Книга 1, Москва «Дрофа», 2008, 495 с.
14. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. Москва , « Высшая школа», 1990, стр.335
15. Назаров И.К. Сўз боши. Географиянинг назарий – амалий муаммолари. Республика илмий – назарий – амалий конференцияси материаллари. Бухоро, 2006^a, 3-5 бет.
16. Назаров И.К. Географик карталар мазмунини такомиллаштириш хусусида мулоҳазалар. Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари. Тошкент 23 – 24 ноябрь, 2006^b, 15 – 17 бетлар.
17. Назаров И.К., Тошев Х.Р Чўл – яйлов ландшафтларини келгусида ривожланишининг асосий йўналишлари (Бухоро вилояти мисолида) Фан ва техника тараққиёти. Самарқанд, 2007, 101 – 103 б.
8. Нострадамус М. Келажак ҳақида башоратлар. Тошкент. ”Ёзувчи” нашриёти, 1997, 40 бет.
19. Ососкова Т.А; Спекторман Т.Ю; Чуб В.Е. Изменение климата. Тошкент, 2005, 54 стр.
20. Преображенский В.С. Коронкевич Н.И. Барьеры на пути географического прогнозирования. Изв. АН СССР, серия географическая . 1987, № 1, стр.5 – 13 .
21. Реймерс Н.Ф. Природопользование. (Словарь-справочник). Москва, «Мысль», 1990, 637 стр.
22. Селиверстов Ю.П. Экологические кризисы: реальность и причины, Мир и Россия. Новые идеи и пути. Спб: РГО, 1995. стр.25-44.
23. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тошкент. “ Янги аср авлоди”, 2009, 372 бет.
24. Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент.”Шарқ”, 2004, 496 б.
25. Интернет маълумотлари. Январь, 2010 й.

МУНДАРИЖА

1. Кириш -----	3
2. Географик башорат ва унинг мазмун – мохияти -----	4
3. Башоратлаш тарихидан-----	6
4. Географик башорат муддатлари-----	8
5. Башоратлаш борасидаги тўсиқлар-----	9
6. Географик башоратлаш методологияси ва усуллари-----	11
7. Дунёвий муаммолар ва уларни башоратлаш -----	14
8. Минтақавий географик башоратлар-----	18
9. Маҳаллий кўламдаги географик башоратлар-----	21
10. Географик башорат ва амалиёт -----	22
11.Таянч тушунчалар-----	23
12. Назорат учун саволлар-----	24
13. Иловалар-----	24
14. Адабиётлар-----	29

